

# Уламолар гўшtlари заҳарлидир

00:00 / 06.03.2017 4202

## УЛАМОЛАР ГЎШТЛАРИ ЗАҲАРЛИДИР

### ёхуд Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг фазллари

Ҳанафий мазҳабининг асосчиси, яъни мазҳаббошимиз Абу Ҳанифа (Нўмон ибн Собит) раҳматуллоҳи алайҳнинг фазллари, илм-маърифатлари ва бу борада эришган мақом-мартабалари, ихлос ва муҳаббатлари, тақво ва парҳезкорликлари тўғрисида қанча гапирсак, шунча оз. Зотан, аҳли Сунна вал-жамоа уламоларининг барчалари бу зотнинг фазллари тўғрисида гапиришни ўзлари учун фахр деб биладилар. Ва хоссатан фикҳда барча уламоларга намуна ва пешво эканликларини ҳам эътироф этадилар. Қуйида аннашу буюк имомнинг фазлларига далолат қилувчи бир воқеани “Солат ул-Масъудий ” китобидан келтириб ўтамыз.

Бир куни Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи илмий мажлисда давра қурган ҳолатида ўз шогирдларига дарс айтиб ўтирар эдилар. Шу пайт тўсатдан бир чаён у зотнинг яқинларига келиб сонларига чиқа бошлади. Шунда шогирдлари уни ўлдирмоқчи бўлдилар. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи эса: “Тўхтанглар! Ўлдирманглар, уни тек қўйинглар”, дедилар. Бир оздан кейин чаён у кишини сонларига ниш урди ва ерга тушиб сал ўтмай ўлди. Шунда Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи “Алҳамду лиллаҳ!” дедилар. Бу воқеадан таажжубланган шогирдлар бунинг ҳикматини сўрадилар.

Устоз: “Уламоларининг гўшtlари заҳардир” деган ҳикматни эшитган эдим. Шуни ҳозиргина ўзимда синовдан ўтказиб, унинг ҳақ эканига ишондим. Ва шунинг учун ҳам Аллоҳга ҳамду сано айтдим”, дедилар.

Мазкур ҳикматли сўз уламолар ўртасида жуда ҳам машҳурдир. Жумладан:

**هَلْ لَاحِظُونَ سَلَاةَ اِمَامِ اِلَاق :**

**تام اهل ك انمو ، ضرّم اهمش نم ةمومسم ءاملعل موخّل**

Аҳли сунна имоми бўлмиш Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳи: “Уламоларнинг гўшtlари заҳарлидир. Ким уни ҳидласа, касал бўлади ва ким уни еса – ўлади”, деганлар.

Машҳур тарихчи муҳаддис ва ҳофиз ибни Асокирдан эса, мазкур ҳикматли сўз қуйидагича ривоят қилинади:

**لوقيف داعي مل موي ةاجنل ا دارأ نم ركذي ركاسع نبا ظفاحل لاقو :**

**قح هيقتي و هاشخي نمم انللعجو هتاضرمل كاي او هلل انقفو يخ أ ملع ا  
، ةومسم ءاملعلل موحل نإ ، هتاقو**

Ҳофиз ибни Асокир қиёмат куни нажот топишни ирода қилган кишига: “Эй биродарим! Билгинки, Аллоҳ таоло бизларни ва сени ҳам ўзининг розилигига муваффақ айласин. Ва ўзидан қўрқадиган ҳамда ҳақиқий тақво қилиш ила тақво қиладиганлардан қилсин. Албатта, уламоларнинг гўшtlари заҳарлидир!” дер эдилар.

Ибни Асокир ўзларининг яна бир ҳикматларида эса:

**ركاسع نبا ظفاحل لاقو :**

**ل بق هلل هالبا بلثل ا وأ بسلاب ءاملعلل يف هناسل قلطأ نم  
بلقلل اومب هتوم**

“Кимки уламоларни ҳақоратлаш ёки уларга туҳмат қилишда тилига эрк берса, Аллоҳ таоло уни, ўлишидан олдин қалб ўлишига гирифтор қилади”, деганлар.

Хулоса шуки, оддий инсонларни ҳам ҳақоратлаш ёки уларга туҳмат қилиш шаръан ҳаромдир. Аммо, мўмин-муслмонларнинг пешволари, муқтадолари ва устозлари бўлмиш буюк алломаларни ҳақоратлаш ёки уларга туҳмат қилиш нафақат шаръан ҳаром, балки уларнинг заҳарли гўшtlарини еб ўлиш билан ҳам тенгдир. Бунинг исботини эса деярли барча буюк алломаларнинг ҳаётларида бўлиб ўтган сон-саноксиз воқеалардан топишимиз мумкин. Одатда барча буюк зотларга ҳасад қилувчилар ва уларни обрў-эътиборларини тўкиш учун халқ ўртасида хоссатан

подшоҳларнинг саройларида ҳар хил тухмат, бўҳтон ва ғийбатларни тарқатадиган нобакорлар ҳар доим ҳам топилган. Ва уларнинг барчаларининг умри аянчли ҳамда фожиали якун топганига ҳам тарих гувоҳдир. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда бўлса-да, ўтган улуғларимиз, азизларимиз хоссатан мазҳаббошидек улуғ мақомларни эгаллаган алломаларимиз ва уларнинг этаklarини ушлаб ҳозиргача мўмин-мусулмонлар ичида ҳар хил ақидавий фитна-фасодларни тарқалишига қарши жон фидо қилиб курашаётган алломаларимизни ҳақорат қилиб, уларга нисбатан нолайиқ сўзлар ила тухмат тошини отаётганлар эҳтиёт бўлсинлар. Агар тезда тавба қилиб, ҳидоятга қайтмасалар, уларнинг ҳам охириги ҳолатлари ўзларининг тухматчи ва ғийбатчи ота-боболарининг ҳолатлари каби бўлиш хавфи бор. Ота-боболаримизда “Чаённинг иши ниш урмоқ” деган нақл бор. Ҳақиқий чаёнларики уламоларга ниш уриб, ўша заҳотиёқ заҳарланиб ўлдилар. Энди суратан инсонун қиладиган иши бўйича чаён бўлганлар уламоларни ҳақоратлаб, уларни ғийбат қилиш ила заҳарланиб ўлмайдиларми?!.

**Исҳоқжон БЕГМАТОВ,**

*Тошкент Ислам институти ўқитувчиси,*

*«Тўхтабой» жоме масжиди имом-хатиби,*

*«Олтин Қалам» XI Миллий мукофоти соҳиби*